

## **“Республика махсус алоқа боғламаси” давлат унитар корхонасига ишга қабул қилиш шартлари ва танлаш тартиби**

“РМАБ” ДУК бўш ўринлар учун номзодларни танлаш жараёни қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

Резюмени синчиклаб таҳлил қилиш мазкур бўш ўринга энг кўп мос келадиган номзодларни танлаш. Биз номзодлардан ўз иш мақсадларини резюменинг ўзида кўрсатишни сўраймиз.

Махсус комиссия ходимлари билан суҳбат. Суҳбатдан кўзланган мақсад номзоднинг касбий ва шахсий сифатларини баҳолаш, шунингдек корхона тўғрисида қисқа ҳикоя қилиб бериш ва номзоднинг саволларига жавоб қайтаришдан иборат.

Бўлим бошлиғи билан суҳбат номзоднинг аниқ фаолият соҳасидаги қобилиятларини аниқлаш имконини беради.

номзодларни дастлабки ўрганиш;

Дастлабки ўрганиш жараёнида номзод томонидан қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

сўровнома ва таржимаи ҳол;

номзоднинг, унинг яқин қариндошлари ва турмуш ўртоғининг маълумотлари сўровномада кўрсатилади;

дипломнинг нусхаси, чет элда ўқиган бўлса, дипломи нострификациядан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳнома;

фаолият кўрсатаётган иш жойидан (ўқиш жойидан) маълумотнома ва тавсифнома (агар охириги иш жойидан эгаллаб лавозимидан озод қилинган бўлса, тегишли буйруқ нусхаси);

ҳарбий хизматга мажбурлар ҳарбий гувоҳнома, чақирилувчилар эса чақирилувчиларнинг кайд этилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхасини;

иш берувчи томонидан тасдиқланган меҳнат дафтарчаси нусхаси (биринчи марта ишга қабул қилинаётган шахслар бундан мустасно);

соғлиғи ҳақидаги тиббий маълумотнома (форма 086-У);

2 та фотосурат (3.5x4,5), 6 та фотосурат на оқ фонда (3x4 см), охириги ойда тушган (қора костюм, оқ куйлак, қора галстук).

Зарур бўлган ҳолларда номзодлардан қонун ҳужжатларига асосан бошқа тегишли ҳужжатлар ҳам талаб этилиши мумкин.

Ижобий қарор номзод танловнинг барча босқичларидан муваффақиятли ўтган тақдирдагина қабул қилинади.